# Тошкент оқшоми

2020 йил 6 февраль, пайшанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 18 (14.069)

Баҳоси эркин нархда


## ТАШҚИ САВДО ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 февраль куни ташқи иқтисодий фаолият тизимини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Бу соҳада узоқ йиллардан буён тизимли ишлар олиб борилмагани ташқи савдо амалиётида муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" рейтингида "Халқаро савдо" йўналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далолат беради.

Йиғилишда мазкур рейтингда мамлакатимиз позициясини яхшилаш, жаҳон тажрибаси асосида назорат идораларининг ишини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, кўплаб давлатларда юклар чегарага етиб келмасидан олдин улар ҳақида ахборот берилиб, юкнинг тез чиқиб кетиши таъминланади. Ўзбекистонда эса ўтган йили 416 мингта декларациядан атиги 344 таси юк чегарага келгунча расмийлаштирилган. Юк тўғрисида олдиндан маълумот бериш автомобиль транспортида 98 фоизни ташкил этса, темир йўлда умуман йўлга қўйилмаган.

Шу боис назоратни чегарада эмас, балки юклар кириб келишидан олдин ёки мамлакат ичкарисида эркин муомалага чиқарилгандан кейин амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Бугунги кунда 1 минг 836 турдаги товар бир вақтда учта идора томонидан текширилиши, оқибатда импорт-экспорт ҳужжатларини расмийлаштириш ҳафталаб чўзилаётгани танқид қилинди. Божхона, ветеринария, карантин, санитария, стандарт, экология идоралари иш услубини ўзгартириши, уларнинг асосий вазифаси маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Товарларнинг божхона қийматини тезкор аниқлаш имконияти бўлмаганда, тадбиркор тўлов қилиб ўша заҳоти маҳсулотини олиб кетадиган, бунга аниқлик киритилганидан кейин фарқни тўлайдиган тизим жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасига халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, янги Божхона кодексини ишлаб чиқиш, божхона органлари ташкилий тузилмаси ва маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ходимлари экин майдонларига чиқиб, хорижий мамлакатларнинг кимёвий ва биологик воситаларни қўллаш бўйича талабларини деҳқонларга тушунтирадиган, амалий кўмак берадиган тузилмага айланиши лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз рақамли технологияларни жорий қилиб, инсон омилини максимал қисқартириш орқали коррупция ва ноқонуний товар айланмасига барҳам бериш зарурлигини таъкидлади.

Импорт маҳсулотларининг чегарадан то охирги истеъмолчигача бўлган ҳаракати божхона ва солиқ идоралари томонидан ягона электрон тизим орқали назорат қилиниши керак. Мисол учун, божхона декларациясини электрон ҳисоб-фактура ва онлайн назорат кассасига боғлаш орқали бу масалани ҳал этиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга рухсатнома ва лаборатория текширувлари ҳужжатларини тўлиқ рақамлаштириш, автоматлаштирилган "риск-анализ" тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда юкларни чегара пунктларидан ўтказиш вақтини қисқартириш масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги 3 йилда қўшни давлатлар билан чегара орқали ўтган инсонлар сони 2 баробар, транспорт воситалари сони қарийб 3 баробар ошган. Лекин ҳозирги инфратузилма бундай талабга тўла жавоб бермайди. Масалан, айрим ветеринария ва карантин пунктларида зарур жиҳозлар йўқ. Чегарадаги санитария ва эпидемиология хизмати ҳам ташқи хавфларга тайёр эмас.

Юклар оқимини тақсимлаш ишлари оқилона ташкил этилмаган. Божхона хизматида постларни масофадан назорат қилиш тизими – Ситуацион марказ йўқлиги оқибатида постларда тирбандликлар пайдо бўлмоқда. Бу тадбиркорлар учун ҳам, давлат бюджети учун ҳам ортиқча харажат келтириб чиқармоқда.

Шу боис мутасаддиларга чегара постларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, жорий йил 1 октябрга қадар Ситуацион марказни ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, чегарадош давлатлар билан юкларни "бир бекатда текшириш" тизимини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди.

Ташқи савдо назорати идоралари чет эллардаги ҳамкасблари билан яқиндан ишлаб, тажриба алмашиши, уларнинг текширув-синов лабораторияларини юртимизда ташкил этиб, товарларни хорижий талабларга мос рухсатномалар билан жўнатишни йўлга қўйиши зарурлиги таъкидланди.

Ташқи иқтисодий фаолият жараёнини соддалаштириш учун миллий қонунчиликни божхона, санитария-эпидемиология, транспорт, стандарт, ветеринария, карантин йўналишларидаги халқаро келишувларга уйғунлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Божхона институтида ўқитиш жараёни замон талабига жавоб бермаслиги қайд этилиб, унинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, ветеринария ва карантин ходимларини халқаро андозалар асосида қайта тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди. Жаҳон божхона ташкилоти билан эришилган келишувга мувофиқ кадрлар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларга тўхталиб ўтилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган **58** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **41** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, **3** нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, **44** нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда. Шунингдек, **14** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **2** нафарини аёллар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатлар намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш-монтаж ишлари сифатини янада ошириш, қурилиш соҳасидаги назорат қилувчи инспекциялар ролини кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги "Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5577-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмасининг **2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектлари** (кейинги ўринларда – объектлар) **учун хавф-хатарлар тоифалари ва объектларнинг функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.**

Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламентни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

объектларнинг **лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишга, объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби ва даврийлигига қўйиладиган табақалашган талабларни уларнинг хавф-хатарлар тоифаси ва функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш**;

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН – СИНГАПУР: ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев 5 февраль куни мамлакатимизда бўлиб турган Сингапур Республикаси Савдо ва саноат, миллий ривожланиш бўйича катта давлат вазири Ко По Кун бошчилигидаги делегация билан учрашди.***

Суҳбат чоғида меҳмонларга Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўзлаб берилди. Эришилаётган натижалар халқимиз ҳаётини сезиларли даражада ижобий томонга ўзгартираётгани таъкидланди.

Янгиланишлар жараёнида, хусусан, давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш борасида Сингапур тажрибасини ўрганиш муҳимлиги қайд этилди.

Ко По Кун сўнгги йилларда Ўзбекистонда юз бераётган улкан иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ўзгаришларни халқаро ҳамжамият, жумладан, Сингапур халқи ҳам катта қизиқиш билан кузатиб бораётганини маълум қилди. Мамлакатда кечаётган демократик янгиланишлар хорижий давлатлар, хусусан, Сингапур билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиши алоҳида қайд этилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мунтазам кенгайтириб бориш, мутахассис кадрлар тайёрлаш, айниқса, давлат ходимлари малакасини ошириш бўйича тажриба алмашиш учун Сингапур олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатишга келишиб олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида тўғридан-тўғри самолёт қатновини йўлга қўйиш масаласи муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида мунтазам ҳаво қатнови йўлга қўйилиши дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш билан бирга, туризм соҳасини ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар яратиши таъкидланди.

**Саидмурод РАҲИМОВ**

**2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили**

## ИХТИРОЧИ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

***Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон ихтирочи аёллари маркази томонидан "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" III республика танловининг якуний босқичи ўтказилмоқда.***



Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ихтирочилик, рационализаторлик, тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Анъанавий тарзда ўтказилаётган "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" республика танлови ҳам айни шу мақсадларга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

"Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" танлови ихтирочилик, рационализаторлик ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ўз қобилиятини намоён этаётган юртимизнинг иқтидорли хотин-қизларини излаб топиш, улар томонидан тайёрланган инновацион лойиҳа, ишланма, техника, технология ва дастурий маҳсулотларни амалиётга татбиқ этишда ҳар томонлама кўмаклашиш, олима ва тадқиқотчи аёлларнинг илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

*(Давоми 2-бетда)*

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наманганда вилоят прокурори кубоги учун картинг ва ҳаво қуролидан ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгаши томонидан вилоят прокуратураси, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этган мусобақада юзга яқин спортчи иштирок этди. "Ватанпарвар" ташкилотининг спорт техникалари кўргазмаси, ракетамодель ва авиамодель спорт секцияси аъзолари томонидан намойиш этилган кўргазмали парвозлар мухлисларнинг олқишига сазовор бўлди.**

**• Ангор туманидаги таълим муассасаларида аъло баҳоларга ўқиётган фаол ёшлар учун мамлакатимизни қўшни Афғонистон билан ажратиб турадиган Амударё ўртасида жойлашган Пайғамбар оролига инфотур ташкил этилди.**

**• Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгаш йиғилишида, шунингдек, Термиз давлат университети Денов филиали, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент тиббиёт академияси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиаллари директорларининг ҳам ҳисоботлари эшитилди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди. Соҳага инновацион ғояларни жорий этиб, таълим сифатини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.**

**• Республика Маънавият ва маърифат марказида "Янги Ўзбекистон тараққиётида жамоат ташкилотларининг ўрни" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига йўллаган Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг Тошкент шаҳридаги барча туман бўлинмалари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Apple коронавирус тарқалиши сабабли Хитой ҳудудидаги барча офис, дўкон ва сервис марказларини 9 февралгача ёпди. Қайд этилишича, компаниянинг Ҳонгконг, Макао ва Тайвандаги бўлимлари ишлашда давом этади. Компания коронавирус билан боғлиқ вазиятни кузатиб бориш ва дўконларини имкон борича тезроқ очишга ваъда берди.**

**• Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штати Фаррухобод округида 23 болани гаровга олган эркак полиция томонидан отиб ташланди. Аввалроқ Суреш Батам исмли эркак бир ёшли қизининг туғилган кунини нишонлаш учун уйига болаларни таклиф қилиб, сўнгра уларни гаровга олгани маълум қилинганди.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

қурилиш якунланганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари қошидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари (кейинги ўринларда – ҳудудий инспекциялар) томонидан объектнинг қурилиш соҳасига оид қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини инструментал техник текширувдан ўтказишни жорий қилган ҳолда, **хавф-хатар тоифаси паст ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши** объектлари учун **лойиҳа ҳужжатлари экспертизаси, муаллифлик назорати ва давлат қурилиш назоратини** амалга ошириш бўйича мажбурий талабларни бекор қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат **инспекцияси** (кейинги ўринларда – Инспекция) ва ҳудудий инспекциялар инспекторларига, шунингдек, **хавф-хатар тоифаси юқори бўлган объектларда техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларга** қўйиладиган малакавий талаблар ва уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

“Қурилишдаги назорат” қуйи тизимини 2020 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳрида синов тариқасида ишга туширган ҳолда, 2020 йил давомида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, электрон ҳужжат алмашинувини босқичма-босқич жорий этиш.

2. Инспекция ва ҳудудий инспекцияларга давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида:

бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатларда **қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш**;

юридик ва жисмоний шахсларга объектдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мос равишда, бироқ 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгилаган ҳолда, **аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш**;

лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун **лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш** масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш;

объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани аниқланган ҳолларда, **қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашни тўхтатиб туриш** ҳақида тегишли орган ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар:

а) 2020 йил 1 мартдан бошлаб бюджет тизимидаги бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлардан ташқари **капитал таъмирлаш объектларида** давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича талаблар;

б) Инспекция ва ҳудудий инспекциялар томонидан қурилиши тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат бериш тартибини жорий қилган ҳолда, уларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича мавжуд тартиб-таомиллар қуйидаги муддатларда босқичма-босқич бекор қилинсин:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар хавф-хатар тоифаси паст объектлар учун – 2020 йил 1 майдан;

давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлар учун – 2022 йил 1 январдан;

бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар учун –2021 йил 1 январдан.

4. Белгилансинки, объектларни фойдаланишга қабул қилиш учун рухсатномалар бериш тартиби татбиқ қилингунига қадар Инспекция ва ҳудудий инспекциялар қурилиши тугалланган объектларни (давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлардан ташқари) фойдаланишга қабул қилиш жараёнига давлат санитария назорати ва давлат ёнғин назорати ҳудудий органларини жалб қилади ҳамда улар объектларни қабул қилиш муддатлари доирасида Инспекция ва ҳудудий инспекцияларга объектнинг санитария нормалари ва ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда ҳудудий инспекцияларнинг давлат санитария ва ёнғин назорати ҳудудий органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлигининг:

Инспекцияга давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомини бериш ва ҳудудий инспекцияларни унга бўйсундириш;

Инспекция тузилмасида 2 та бошқарув ходими штат бирлигидан иборат бўлган **Комплаенс хизматини** ташкил қилиш ва ҳудудий инспекциялар тузилмасига **комплаенс-назорат бўйича мутахассис** лавозимини киритиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2020 йил 1 июлдан бошлаб Инспекция ва ҳудудий инспекциялар бошлиқларига, ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирилган ҳолларда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, **шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш** ваколати берилсин.

6. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг** бошқарув ходимлари чекланган сони 40 нафардан иборат **тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг намунавий тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Инспекция бошлиғига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида, заруратга кўра, Инспекция штат бирликларига ўзгартиришлар киритиш;

объектлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий инспекциялар тузилмаси ва штат бирликлари нормативларини тасдиқлаш;

ҳудудий инспекцияларнинг харажатлар сметасини тасдиқлаш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Инспекция **республика давлат бошқаруви органи** ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига ҳисобдор бўлади;

ҳудудий инспекцияларнинг бошлиқлари **Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири билан келишилган ҳолда Инспекция бошлиғи томонидан** лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Инспекциянинг Комплаенс хизмати ва ҳудудий инспекцияларнинг комплаенс-назорат бўйича мутахассислари **бевосита Инспекция бошлиғига бўйсунади**;

Инспекция фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан, ҳудудий инспекциялар фаолияти эса қурилиш-монтаж ишлари қийматидан ажратмалардан шакллантирилувчи маблағлар ҳамда шартнома асосида бажариладиган ишлар ва хизматлардан тушадиган даромадлар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган барча объектлар бўйича ҳудудий инспекцияларга ажратмалар қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,2 фоизига тенг ягона миқдорда (қўшимча қиймат солиғисиз) белгиланади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

0,02 фоизи Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда –Жамғарма), шу жумладан, 0,01 фоизи – Инспекция ва унинг ҳудудий инспекциялари эҳтиёжларини молиялаштиришга йўналтирилади;

0,18 фоизи ҳудудий инспекциялар ихтиёрида қолдирилади.

9. Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланишга рухсат берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг жорий ва бошқа харажатларини молиялаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қурилишда стандартлаштириш республика маркази ҳузурида объектлар конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмларини халқаро стандартларга мувофиқ тўлақонли синовдан ўтказишни амалга оширувчи **Комплекс қурилиш синов лабораторияси**ни (кейинги ўринларда – Комплекс лаборатория) ташкил қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг таклифи маъқуллансин.

Комплекс лабораторияни ташкил қилиш ва жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 2020 йилда ажратиладиган 20 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдордаги маблағлар ҳамда етмайдиган қисми учун – Жамғарма маблағлари белгилансин.

11. Қуйидагилар:

**Қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектлари конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмлари бўйича Комплекс қурилиш синов лабораторияси томонидан ўтказиладиган синовларнинг асосий йўналишлари** 3-иловага мувофиқ;

**Комплекс қурилиш синов лабораториясини жиҳозлаш учун харид қилинадиган асосий ускуналар, машина ва механизмлар рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. **2020 йил 1 мартдан бошлаб Инспекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари 1,4 бароборга оширилсин.**

13. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

а) манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда:

икки ой муддатда Инспекция ва ҳудудий инспекциялар тўғрисидаги, шунингдек, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутахассисларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги ҳукумат қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2020 йил 1 июнга қадар ички назоратни, муаллифлик ва техник назоратни, шунингдек, объектлар устидан давлат қурилиш назоратини амалга оширувчи мутахассислар сертификациядан ўтказилишини таъминласин;

б) бир ой муддатда Жамғарма маблағлари ва ҳудудий инспекциялар маблағлари ҳисобидан 2020-2021 йилларда ҳудудий инспекцияларни замонавий мобиль кўчма қурилиш лабораториялари билан жиҳозлаш дастурини тасдиқласин;

в) Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимларининг доимий равишда, шу жумладан, чет элда малака оширишини ва кейинчалик ҳар бир ҳудудий инспекциядаги ходимлар учун мажбурий тренинглар ўтказилишини ташкил қилсин;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Инспекцияни мебель, инвентарь, ускуналар ва қўйилган вазифаларни самарали бажариши учун зарур бўлган бошқа воситалар билан таъминласин, шу жумладан, 3 дона хизмат енгил автомобили ажратсин;

д) 2020 йил 1 августга қадар халқаро молия институтлари ва ташкилотларини ҳамда малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, давлат органларининг самарасиз ва ортиқча функцияларини бекор қилиш, шунингдек, илғор хорижий тажриба асосида ушбу жараёнга хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишни назарда тутган ҳолда, қурилиш устидан назорат механизмлари самарадорлигини янада ошириш бўйича таклифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда икки ой муддатда тақдим этиладиган маълумотлар рўйхатини кўрсатган ҳолда давлат органлари ва Инспекция ўртасида идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

15. Инспекция Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 6-уй манзилида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда ҳудудий инспекцияларни жойлаштириш учун бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида бинолар ажратиб берилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарор ижросини назорат қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

<u>Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов</u> – мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин, ҳар ойда бажарилган ишлар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини қабул қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

<u>қурилиш вазири Б.И.Закиров</u> – мазкур қарорнинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши бўйича барча зарур чоралар кўрилишини, мазкур қарорни ўз вақтида ижро этишда масъул ташкилотларга ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдам берилишини таъминласин, шунингдек, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматовга унинг амалга оширилиши жараёни тўғрисида батафсил маълумот тақдим этсин;

<u>қурилиш вазирининг ўринбосари – Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи К.Н.Тўлаганов</u> – давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартибини жорий этиш, Инспекция ва ҳудудий инспекциялар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини босқичма-босқич татбиқ қилиш бўйича ишлар сифатли ташкиллаштирилишини, шунингдек, ушбу қарорни амалга ошириш давомида юзага келадиган жорий масалалар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 5 февраль*

Акс-садо

## КЕЛАЖАККА УМИД БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

***Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тинглаб, дилимда ёруғ тилакларга янада ишонч уйғонди. Бу тилаклар умумхалқ манфаати, маънавияти билан боғлиқлиги, режалар бугунимиз ва келажагимизнинг фаровонлигига қаратилганлиги учун ҳам аҳамиятлидир.***

Юртбошимизнинг маъшум қатағон йилларида миллатимизнинг маърифатли бўлишида жон куйдирган, курашган маърифатпарвар зиёлиларимиздан Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллигини нишонлаш ҳақидаги таклифлари халқимизни, айниқса, биз қалам аҳлини жуда мамнун этди. Зеро, бугунгидек тинч отаётган тонгимиз, осуда ботаётган шомимиз учун Қодирий, Беҳбудий ва Фитрат каби аждодларимизнинг фидойилиги, юрагига тўкилган кўз ёшларининг ҳаққи, хизмати улкан.

Дарвоқе, яқинда улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг набираси, таниқли журналист Хондамир Қодирий билан суҳбатлашганимда, у ўтган кунлар армони ҳақида сўзлади. “Бобом Қодирийнинг ижоди ва мустамлака тузумининг эл зиёлилари бошига солган кўргиликлари ҳақида отам Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” номли асарида жуда кўп ҳақиқатлар тилга олинган. Отам доим “Бобонг билан фахрланинглар, лекин мақтанманглар” дердилар. Шунинг учун ҳам камтарлик, ҳалоллик отамерос туйғу бизга. Бугун муҳтарам Президентимиз томонидан буюк ёзувчимиз Қодирий сиймосига, унинг асарларига кўрсатилган эътиборидан дилимиз янаям фахр-ифтихорга тўлди. Бир пайтлар чўчқахона қилинган ота уйимиз ўрнида бугун Абдулла Қодирий номидаги уй-музей қад ростлади. Қодирий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан қилинган бундай улкан саъй-ҳаракатларга, умуман маориф ва адабиётга қаратилаётган эътиборга барчамиз муносиб бўлишимиз керак” деган фикрларни айтди.

Дарҳақиқат, Мурожаатномада кўп гаплар, ечимини кутаётган фикрлар, муаммолар ўртага ташланди. Чунончи, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” дастурида кўтарилган ёш авлодни миллий ғоя асосида камол топтиришда биз ижодкорларнинг меҳнати ва масъулияти янада ошиши, шубҳасиз. Бундай катта мақсадларни, масалаларни ҳал қилишда барчамиз якдил, ўз касб-коримизда, виждонимиз олдида собит турмоғимиз керак, албатта.

**Наргиза АСАДОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

## ИХТИРОЧИ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Танловнинг биринчи босқичида 4000 нафардан ортиқ олима, тадқиқотчи, иқтидорли талаба ва ўқувчи-қизлар, ихтирочи, рационализатор, муҳандис, конструктор, дастурчи, шифокор, фармацевт, ҳунарманд, тадбиркор ҳамда мутахассис хотин-қизлар ўз ихтиролари, инновацион ғоя, технология ва лойиҳалари билан иштирок этди. Якуний босқичда 250 дан зиёд хотин-қиз қатнашмоқда. Унинг доирасида иқтидорли хотин-қизларнинг инновацион лойиҳалари, ишланмалари, технология ва дастурий маҳсулотлари бўйича кўргазмалар ҳам ташкил этилди.

Юлдуз Саидова тиббиёт ҳамда иқтисодиёт йўналиши бўйича олий таълим даргоҳида таҳсил олган. “FYUNISA” масъулияти чекланган жамиятида фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи аёл “Мўъжиза” функционал нон маҳсулотининг технологиясини яратиб, ишлаб чиқаришга жорий этган. Тадқиқотчининг айтишича, йигирма турдан ортиқ аминокислоталар, витамин ва минерал моддалар, оқсил, антиоксидантлар, углевод ва ёғ билан бойитилган нон маҳсулоти модда алмашинувини яхшилашда, иммунитетни кўтариш, қанднинг қонга сингишини секинлаштириш, ичакларни зарарли токсинлардан тозалаш ва бошқа кўплаб ижобий хусусиятларга эга. Болалар ва ўсмирлар, фарзанд кўриш арафасидаги ва ёш болали аёллар, шу билан бирга соғлом овқатланиш тарзига амал қилувчилар учун ғоят фойдали бўлган ушбу нон савдо шохобчалари билан бирга мактабгача таълим масканлари, мактаблар, махсус таълим масканлари, Меҳрибонлик уйлари, шифохоналар, туғруқ комплексларига, эндокринологик йўналишдаги тиббиёт масканларига етказиб берилади. Айни пайтда бу маҳсулотга аҳоли томонидан ҳам эҳтиёж катталиги эътиборга моликдир.

Камола Тўқсонова Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 2-умумтаълим мактабида инглиз тилидан дарс беради. Ахборот технологиялари соҳасига қизиқадиган Камола опа “E-Jurnal” дастурий лойиҳаси устида кўп йиллардан буён изланиш олиб боради. Эндиликда ўзи меҳнат қилаётган мактабда жорий этилган ушбу электрон журнал ота-оналарни мактаб билан тўғридан-тўғри боғлаб туриш, фарзандининг давомати, фанларни ўзлаштириши, хулқи, ўқишга бўлган муносабати билан муттасил танишиб бориш имконини беради. Бунда ўқувчининг ўзлаштиришига доир маълумотлар ота-онанинг мобиль телефонига муттасил келиб туради.

– Бугун ўқувчилар замонавий техник воситаларга жуда қизиқади, – деди Камола Тўқсонова. – Дарсларга илғор инновацион технологияларни, замонавий услубларни қўллаш болаларнинг бу қизиқишини тўғри йўналтиришда, билим олишга бўлган интилишини кучайтиришда жуда қўл келади. Сир эмаски, кўпчилик ота-оналар иш билан бандлигини рўкач қилиб, фарзандининг қандай ўқишини назорат қилмайди. Шу маънода электрон журнал ота-оналарга жуда маъқул келмоқда.

“Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” III республика танловининг якуний босқичи доирасида форумлар, маҳорат дарслари, тақдимотлар, маърифий семинарлар бўлиб ўтади. Танловнинг ғолиблари эса 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида эълон қилинади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА**

**Матбуот анжумани**

# “ЁШЛАР УЙЛАРИ” КИМЛАРГА, ҚАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?

***Жорий йилда мамлакатимизда нечта “Ёшлар уйлари” қурилади ва улар кимларга берилади? Тошкент шаҳрининг қайси ҳудудида “Ёшлар уйлари” қад ростлайди? Пойтахтдан “Ёшлар уйлари”ни олмоқчи бўлганларнинг аризалари нега маълум вақт қабул қилинмади?***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ташкил этилган матбуот анжуманида шу ва бошқа саволларга батафсил жавоб берилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбир Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 сентябрдаги "Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланди.

Маълумки, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг энг йирик лойиҳаларидан бири бу – мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга қаратилган “Ёшлар уйлари” лойиҳаси ҳисобланади.

Таъкидланишича, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2014-2016 йилларда 3 минг 604 та, 2017-2019 йилларда 2 минг 668 та, жами 6 минг 272 та хонадондан иборат “Ёшлар уйлари” мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган, алоҳида яшаш жойига муҳтож бўлган ёш оилаларга ажратилган.

Шу ўринда қайси тоифадаги ёш оилалар имтиёзли уйларга эга бўлишлари мумкин, деган ҳақли савол туғилади. Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтилган қарорига мувофиқ Республика комиссияси томонидан имтиёзли ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олишга тавсия этиладиган номзодлар бир нечта мезонлар асосида сараланади. Турар жой шароитларини яхшилашга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт соҳасида ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ёш оилалар – қоидага кўра, Давлат мукофотлари, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони соҳиблари, нуфузли халқаро ва республика мусобақалари, танловлар ва олимпиадалар совриндорларига берилади. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида камида уч йил мобайнида фаолият олиб бораётган ижтимоий фаол ёш оилаларга – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши тақдимномаси асосида уй-жой ажратилади. Шунингдек, фаолият юритаётган меҳнат жамоасида алоҳида намуна ва хизмат кўрсатган ёш оилаларга – давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларининг раҳбарлари тавсиясига кўра, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши тақдимномаси асосида уй-жойга номзод ёш оила сифатида ҳисобга қўйилади.

Матбуот анжуманида 2020 йилда республикамизда қурилиши режалаштирилган “Ёшлар уйлари” ҳақида маълумот берилди.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 сентябрдаги “Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги қарорига асосан 2018-2021 йилларда мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш параметрлари тасдиқланган бўлиб, йиллар давомида ҳудудлар бўйича ажратиладиган уй-жойлар сони белгиланган, – деди ЎзА мухбирига Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Акмал Жумабоев. – Мазкур қарорга кўра, 2020 йилда Қорақалпоғистон Республикасида 96, Андижонда 151, Бухорода 160, Жиззахда 112, Қашқадарёда 160, Навоийда 144, Наманганда 64, Самарқандда 160, Сурхондарёда 128, Сирдарёда 90, Фарғонада 176, Хоразмда 96, Тошкент вилоятида 192 та ҳамда Тошкент шаҳрида 420 та уй-жой ажратилиши белгиланган.

Имтиёзли уйлардан кимлар оляпти, кимлар ҳужжат топширмоқда каби саволларга ўрин қолмаслиги учун очиқлик механизми яратилди. Шу сабабли орада маълум вақт ёш оилалардан “Ёшлар уйлари” учун ҳужжатлар қабул қилиш тўхтатиб қўйилган эди. Аризалар қабул қилиш яна қайта тикланди. Ёш оилалар пойтахтнинг исталган туманидан ўз ҳужжатларини жойлардаги комиссияга топшириши мумкин. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида қуриладиган “Ёшлар уйлари”-дан олиш учун 500 дан ортиқ ёш оила ариза топширган. Имтиёзли уй-жойлар 2019 йил Сергели туманининг “Чоштепа” МФЙ ҳудуди, 8- ва 9-қурилиш участкаларида қурилди. 2020 йилда имтиёзли уйлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари талабига асосан қурилади. Жорий йилда пойтахтнинг қайси ҳудудидан “Ёшлар уйлари” қурилиши ҳали аниқ эмас. Бу баҳор фаслида аниқ бўлади.

Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 сентябрдаги “Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2020 йилдан бошлаб қуриладиган уй-жойлар учун дастлабки бадаллар ҳамда кредит бўйича биринчи беш йилдан кейинги фоиз тўловлари ёш оилаларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Кредитдан фойдаланишнинг биринчи 5 йили давомида ҳар йили фоиз ставкаси қатъий белгиланган 7 фоиздан қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичма-босқич ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда қайта молиялаштириш ставкасида белгиланади.

**Хуршид ҚОДИРОВ**

***Сўнгги йилларда юртимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда.***

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, барча жабҳаларда жумладан, илм-фан ва маданият соҳаларида ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқдалар.

Чет мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлик ва дўстона алоқаларни янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш мақсадида мамлакатимиз раҳбарининг 2019 йил 15 ноябрдаги “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда белгилаб қўйилган талаблар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети иккинчи чет тилини интенсив ўқитиш кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан бир қатор ишлар амалга ошириляпти.

Бугунги кунда аҳил жамоамиз аъзолари томонидан талабаларга инглиз, индонез, малай, грек, турк, француз, форс, лотин тили каби ўндан ошиқ шарқ ва ғарб тиллари замонавий, илғор педагогик технологиялар, турли методлар орқали самарали ўқитиб келинмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус доирасида талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ҳам эътиборни қаратганмиз.

Кафедрамиз юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий элчихоналар, ваколатхоналар ҳамда маданий марказлар билан ҳамкорликда иш олиб бораяпти. Яқинда университетимизда Ҳиндистон маданият маркази билан ҳамкорликда “Ўзбекистон ва Ҳиндистон: бугун ва келажак” мавзусида маданий учрашув ташкил этдик. Унда иштирок этганлар бугунги кунда Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида маданий алоқалар билан бир қаторда, илм-фан соҳасида ҳам ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлашди. Дели университети вице-президенти Камал Кишар Гоянка, Дели университети профессори, доктор Текчандани ва Марказий Ҳинд тили институти директори Нанд Кишор Пандейлар ҳам сўзга чиқиб, Ҳиндистоннинг етакчи олий таълим муассасалари билан қўшма таълим ҳамда академик алмашинув дастурларини йўлга қўйиш, профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ва стажировка ўташ учун юбориш, халқаро конференция ва семинарлар ташкил этиш таклифини беришди. Ҳиндистон маданият маркази директори Чандра Шекхар 20 номдаги ҳинд ва инглиз тилларидаги китоб ва ўқув адабиётларини топширди. Учрашув сўнггида талабалар томонидан ҳинд ва ўзбек тилларида ижро этилган куй-қўшиқлар ташриф буюрган меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Илм-фанни ривожлантириш, фанда янгиликлар яратишда талаба ва изланувчан ёшларнинг бирлашуви, инновацион ғоялар остида фикр-мулоҳазалар алмашиши бугунги кун ёшлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Иқтидорли ва ташаббускор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида турли танловларни ўтказиш орқали улардаги қобилият намоён бўлмоқда. Малайзия элчихонаси томонидан ташкил этилган Emcee Audition for Malaysia Festival Week номли тадбирда нутқ равонлиги шарти бўйича университетимизнинг 4-босқич талабаси Озод Қурбонов фаол иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади. Малайзиянинг Pendidikan Sultan Idris университетида ўтказилган танловда қатнашиш имкониятини қўлга киритган талабамиз 20 та давлатдан келган иштирокчилар орасида ҳам фахрли биринчи ўринни эгаллади. Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўтказилган танловда 1-курс талабаси Зебо Мамадиёрова ҳам иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида бўлиб ўтган финал босқичида қатнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлмайди. Кафедрамиз профессор-ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатлари ва тинимсиз изланишлари натижасида талабаларимиз мана шундай эътирофларга сазовор бўлишмоқда. Ҳинд тили фани ўқитувчиси Умида Махамадходжаева, индонез тили фани ўқитувчиси Феруза Авезоваларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Шу билан бирга бугунги кунда кафедрамизда малай тили фани ўқитувчиси Сабария Сулаймон, индонез тили фани ўқитувчиси Ҳурмаяни, турк тили фани ўқитувчиси Эркан Сансу каби уч нафар чет эллик волонтёр ўқитувчи фаолият кўрсатиб келмоқда.

Талабаларни эркин мулоқот майдонига жалб этиш, уларга бир нечта хорижий тилларни ўргатиш, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш олдимизда турган энг асосий вазифаларимиз саналади. Бу йўлда масъулият билан ёндашиш ҳар бир профессор-ўқитувчининг бурчидир.

**Дилфуза ТЕШАБАЕВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кафедра мудири,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЛАНГАНМИ?

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан матбуот анжумани ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ташкил этилган. Мазкур фармонга кўра, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш, аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, реклама бозорини тартибга солиш ва бошқа вазифалар юклатилган.

Агентликда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, қурилиш ва транспорт, савдо, умумий овқатланиш ва туризм, ижтимоий ва молиявий хизматлар, шунингдек, алоқа хизматлари соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама фаолиятини тартибга солиш, таҳлил ва стратегик дастурларни ишлаб чиқиш йиғма бошқармалари мавжуд. Шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар, IT-технологиялар, инновациялар ва Smart consumer тизимини жорий қилиш бўйича бўлимлар фаолият юритмоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга ошириш, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва сифатини назорат қилиш соҳасида мутасадди давлат ва жамоатчилик органлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мутасаддиларнинг сўзларига кўра, Агентлик томонидан 2019 йилнинг декабрь ойида республика бўйича истеъмолчилар ҳуқуқларининг умумий ҳимояланганлик даражаси билан бирга, аҳолига шаҳар йўловчи ташиш транспорти хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинганлиги ҳолатига баҳо бериш мақсадида 1 минг 661 нафар иштирокчи ўртасида ижтимоий сўров ўтказилган.

Ўтказилган сўров натижалари таҳлил қилинганда, респондентларнинг 77 фоизи жамоат транспортидан фойдаланишини, 74,3 фоиз йўловчи томонидан транспортда янги йўналишларни очиш бўйича таклифлар берилган, 50 фоиздан ортиқ иштирокчи йўналишда қатнаётган автобус ва микроавтобуслар сони ва уларнинг хизмат сифати қониқтирмаслигини билдирган. Бундан ташқари, йўлкира учун тўланган пулга чипта берилмаслик, автобусларнинг бекатларда узоқ вақт туриб қолиши, автобус ва микроавтобусларда совутиш ва иситиш тизимининг ишламаслиги ҳамда бекатларда автобус қатнов жадвали (рақами ва қачон келиши) ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмаслиги ҳақида ўз фикрларини баён қилишган.

Шунингдек, сўровда баъзи транспорт хизматларини янада яхшилаш, ҳайдовчи ва назоратчи муносабати, жамоат транспорти техник ҳолати ҳамда маршрутли таксилар (микроавтобуслар) хизматлари бўйича таклифларини қайд этишган. Жамоат транспорти бекатлари ҳолатига респондентлардан 29,7 фоизи салбий фикр билдирган ва 75 фоиз йўловчи ташиш транспортларидаги ўриндиқлар ҳолатини ўртача баҳолаган. Сўровнома натижалари бўйича маълумот ва таклифлар тегишли вазирликларга киритилган.

Анжуманда 2019 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари давомида ташқи рекламаларда ўтказилган 4 минг 315 та кўрикда турли камчиликлар аниқлангани айтилди. Хусусан, 248 та рекламада реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши мавжудлиги, 76 тасида давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умумэътироф этилган нормаларига тўлиқ мос келмайдиган рекламалар жойлаштирилганлиги ҳамда 155 та ҳолатда эскирган, яроқсиз, йўловчи ва транспорт ҳаракатига тўсқинлик қиладиган ташқи рекламалар мавжудлиги маълум бўлган. Ташқи реклама конструкциялари эгалари билан олиб борилган тушунтириш ва профилактика тадбирлари натижасида 20 та реклама баннери олиб ташланган ва 77 та конструкциядаги эскирган, яроқсиз, йўловчи ва транспорт ҳаракатига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар бартараф қилинган.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди, шунингдек, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатларини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилдаги Фармони билан “Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия” тузилди.

Президентимизнинг алоҳида фармонлари билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмиталарида янги – Оилавий муносабатларни тартибга солиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ФҲДЁ бўлимлари билан ишлаш бўйича бош мутахассис лавозими жорий этилди.

Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда соҳага оид бошқа норматив ҳужжатлар ижроси устидан назорат ўрнатилган.

Мазкур Фармон ижросини бажарилишини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги 87-Ф-сон фармойиши билан “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” ижроси таъминланиб келинмоқда.

Биринчи навбатда, Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти, аввало қўмита раиси ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини жойларда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан якка тартибда аниқ мақсадли ишларни олиб бориш, уларни манзилли қўллаб-қувватлашга шахсан жавобгар эканликлари белгиланган.

Туман хотин-қизлар қўмиталари тузилмасида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича янги киритилган мутахассис лавозимларига муносиб шахсларни тайинланишига эришилди.

Шунингдек, илк бор Хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Ўзбекистон аёллари” китоби нашр этилган бўлса, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан “Оила энциклопедияси” чоп этилиб, кам таъминланган оилалар ҳамда оила қураётган ёшларга бепул тарқатилмоқда.

Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича ўтган йилда 21 минг нафар ёрдамга муҳтож, оғир турмуш шароитидаги хотин-қизларга тиббий, 25 минг нафарига 19 млрд. 15 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди, 15,6 минг нафарининг бандлиги таъминланди, 3 663 нафар аёллар маҳаллий ҳокимликлар, ҳомийлар кўмагида уй-жой билан таъминланди, 1 576 нафарига уй-жой олишига тавсия берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилги 285-сон қарори асосида 1 475 нафар аёлларга уй-жой сотиб олишлари учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан уй-жой нархининг 10 фоизи миқдорида жами 25 млрд. 92 млн. сўм бошланғич бадал маблағлари пудратчи ташкилотларга ўтказиб берилди.

Жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган 559 нафар хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 378 нафари ишга жойлаштирилди.

Ўтган йилда 11 мингта нотинч ва муаммоли оилалар рўйхати шакллантирилиб, улар билан профилактик тадбирлар олиб борилди, 7,3 мингтасида нотинчлик бартараф этилди.

Шунингдек, 31,4 мингта ажрим қайд этилиб, ажрим ёқасига келиб қолган 27,2 мингтаси яраштирилди.

Оилавий ажримларнинг 5 мингтаси фарзандсизлик, 980 таси турмуш ўртоғидан бирининг хиёнат қилганлиги, 17,2 таси ўзаро оилавий келишмовчилик, 718 таси ичкилик ва гиёҳвандлик сабабли, 819 таси турмуш ўртоғи чет давлатга кетганлиги, 6,7 мингтаси бошқа сабаблар туфайли содир бўлган.

Шаръий никоҳ асосида яшаб келаётганлиги аниқланган 27,2 минг нафар аёлларнинг никоҳи расмийлаштирилди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бўйича 80 мингга яқин тарғибот тадбирлари ўтказилди.

2019 йил давомида хотин-қизлар тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасида ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш ёки қонунга мувофиқлаштириш бўйича 74 та протест келтирилган, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида жойларга 272 та тақдимнома киритилган, 24 нафар шахс маъмурий, 461 нафар шахслар эса интизомий жавобгарликка тортилган, фуқаролик судига 27 та даъво ариза, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилган ҳамда 398 нафар аёлларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилган.

Шунингдек, прокуратура органлари томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларига оид 916 та мурожаат ҳал этилиб, 273 таси қаноатлантирилган, 248 нафар аёлнинг ҳуқуқлари тикланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.07.2018 йилдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси устидан ҳам тизимли назорат ўрнатилган.

Қарорнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар ҳамкорлигида хотин-қизларга тазйиқ ўтказадиган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этадиган шахслар билан амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди.

Шунингдек, “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган шахсларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси” ишлаб чиқилиб, 11 та вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланди.

Мазкур комплекс чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида тегишли вазирлик ва идоралардан олинган маълумотлар умумлаштирилиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Молия вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Республика марказининг фаолияти таҳлил қилинди.

Марказлар фаолияти жамоатчилик асосида ташкил этилган бўлиб, уларда 197 нафар ходим жамоатчилик асосида ишлаб, улар томонидан 2018 йилда 7 463 нафар, 2019 йилнинг 8 ойида эса 11053 нафар оғир вазиятга тушиб қолган аёлларга тиббий, психологик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатилган.

Марказ фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, Республика ва ҳудудлардаги Марказлар учун қўшимча штат жорий этиш ва молиялаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 201-сон қарорига қўшимча киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилиб, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Адлия, Молия вазирлиги, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази билан келишилиб, 2019 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 699-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор қабул қилинганидан сўнг Республика Маркази ва ҳудудий марказлар доимий асосда ишловчи ходимларга эга бўлди, Республика маркази ва унинг ҳудудий марказлари учун жами 49 та штат жорий этилиб, уларни бюджет маблағлари ҳисобидан мунтазам молиялаштириш белгиланди.

Натижада 2019 йилда марказга мурожаат қилган аёлларнинг 3063 нафарига тиббий, 6600 нафарига психологик, 4055 нафарига ҳуқуқий ёрдамлар, жами 20180 нафар оғир вазиятга тушиб қолган аёлларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Жорий йилда ҳам хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни иш билан таъминлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва уй-жой ажратиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан доимий назорат ўрнатилиб, аёлларга берилган имтиёзларнинг амалда қўлланилиши ҳамда уларга ижтимоий-психологик ёрдамлар кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилади.

**Адҳам ОДИНАЕВ,**
**Бош прокуратура бошқарма прокурори**

# МЕҲРИДАРЁ ХАЛҚҚА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида Татаристон Республикасининг 100 йиллиги ҳамда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган “Ўзбекистоннинг таниқли маданият ва санъат арбоблари” номли адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.***

Мазкур учрашувга татар миллий маданий маркази фаоллари, маданият ва санъат намояндалари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Мамлакатимизда барча жабҳаларда олиб борилган узоқни кўзловчи сиёсат турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувлик, дўстликни, тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб даврда жонажон Ватанимиз хавфсизлигини, эл-юртимизнинг осойишта ҳаётини таъминлашдек долзарб масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда таъкидланганидек, олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамизнинг қалбимизга ғурур бағишлайди. Бу қонли урушда жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзанди тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадиий-публицистик асарлар, илмий-тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида муҳташам Ғалаба боғи бунёд этилмоқда.

– Матонат, меҳридарёлик, саховатпешалик, тантилик ўзбек халқининг миллий табиати, қон-қонида жўш урган фазилат, – деди Руслан Содиқов. – Уруш йилларида унинг битмас-туганмас талотўпларидан азият чеккан қанчадан-қанча одамлар Ўзбекистондан бошпана топди, эътибор, меҳр кўрди. Оила қуриб, бахтга эришди. Ўн тўрт болани ўз фарзандидек бағрига босган Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи чин матонат ва меҳр тимсолидир. Ўтган йиллар давомида пойтахтимизда афсонавий генерал Собир Раҳимовнинг ҳайкали қайтадан қад ростлади. Президентимизнинг Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш ҳақидаги амалий таклифларини барча қалбда катта ҳаяжон ва ифтихор, миннатдорлик билан кутиб олди.

Тадбирда эл-юрт фаровонлиги, маданият ва санъат равнақи, ёшлар тарбияси йўлида самарали меҳнат қилган барча ўзбекистонликлар каби татар миллати вакилларининг ҳаёт йўли, фаолияти ҳақида батафсил сўз юритилди. Уларнинг порлоқ хотираси, ибратли ишлари, ижоди ёдга олинди. Китоблар ва бадиий асарлар кўргазмаси ташкил этилди.

**(ЎзА)**



*Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмасида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори билан ёшларнинг учрашуви бўлди.*

# МАҲАЛЛАЛАРДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” этиб белгиланган.***

Мирзо Улуғбек тумани бўйича ИИО ФМБ 7-сонли ИИБ ҳудудида жойлашган 5 та маҳаллаларда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни”да профилактик тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Айнан шундай тадбирлардан бири Мирзо Улуғбек тумани 7-сонли ИИБ ҳудудида жойлашган “Азамат” МФЙда муқаддам судланган, спиртли ичимликка ружу қўйган ва нотинч оилалар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот йиғилиши ўтказилди. Видеороликлар намойиш этилди. “Аҳиллик” МФЙда 211-сонли умумтаълим мактабида “Давомат” ва “Тиғ” тадбирлари ўтказилиб, ички рўйхатда турувчилар ва катта синф ўқувчиларига ИИББ ВЕ ва ЁЎНҲПБ бошлиғи иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

“Уйғониш” МФЙда ТТЗ-2 мавесида жойлашган кўп қаватли уйлардаги жанжалли оилаларни чақириб уйбошилар ва маҳалла фаоллари билан кенг муҳокама қилинди. Мунавварқори МФЙда фирибгарлик, хонадон ва автомашинадан ўғирлик жиноятининг барвақт олдини олиш юзасидан тарғибот ва ташвиқот учрашуви ўтказилиб, роликлар намойиш этилди. “Юзработ” МФЙда маҳалла ҳудудида уй бошлиқлари билан профилактика ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича суҳбат учрашуви ўтказилди. Бундан ташқари, “Пробация гуруҳи” ҳисобида турувчи маҳкумларнинг 4 нафари уйига борилиб, оилавий аҳволи ўрганилди ва суҳбат қилинди. Бу каби профилактик тадбирлар доимий равишда ўтказилиб келинмоқда.

**Холмурод ХАНДАМОВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани бўйича ИИО ФМБ 7-сонли ИИБ ҲПБ бошлиғи, капитан**


## Реклама ва эълонлар

**Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси оммавий савдоларга қўйилган давлат активлари бўйича электрон онлайн аукцион савдоларига таклиф этади “E-IJRO-AUKSION” электрон онлайн савдо аукцион майдончасига сотувга чиқарилаётган давлат мулки объекти РЎЙХАТИ**

| № | Объект номи | Объект манзили | Балансда сақловчиси/ Таъсисчиси | Давлат улуши ёки бино ва иншоотлар майдони | | Сотиш учун асос (ПК/ВМҚ) | Савдо тури | Савдога қўйилган нархи, (сўмда) | Устав капитали, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | фоизда | кв.м. | | | | |
| 1 | Бино ва иншоотлар | Бектемир тумани, Ҳ.Байқаро кўчаси, 13-уй | Тошкент вилояти “Ўздавсувлойиҳа” давлат экспедицияси | - | 1005 | ВМҚ-295 19.05.2017й. | аукцион | 1 909 937 992 | - |
| 2 | Собиқ қурилаётган клуб биноси | Сергели тумани, Саъдий кўчаси, 94-уй | “ART-SERVIS” МЧЖ | - | 184 | ВМҚ-291 17.05.2017й. | аукцион | 126 643 248,5 | - |
| 3 | 2 қаватли профилактория биноси | Яшнобод тумани, Қурувчи кўчаси, 1-уй | “ДРК спорт-соғломлаштириш маркази” ДУК | - | 1103 | ВМҚ-291 17.05.2017й. | аукцион | 1 906 789 641 | - |
| 4 | Маъмурий бино | Юнусобод тумани, Ифтихор кўчаси, 1-уй | Бинолардан фойдаланиш департаменти | - | 565 | ВМҚ-295 19.05.2017й. | аукцион | 2 294 867 017 | - |
| 5 | Офис биноси | Чилонзор тумани, Чиланзарская кўчаси, 86-уй | Бинолардан фойдаланиш департаменти | - | 76 | ВМҚ-590 4.08.2017й. | аукцион | 155 460 935,5 | - |
| 6 | Кутубхона биноси | Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 1-проезд, 1-уй | Тошкент шаҳар махсус ўрта таълим бошқармаси Сергели тумани профессионал саноат коллежи | - | 442 | ВМҚ-590 4.08.2017й. | аукцион | 624 634 097 | - |
| 7 | Меҳмонхона биноси | Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси, 55 (5а) | “Иззат” МЧЖ | - | 270 | ВМҚ-291 17.05.2017й. | аукцион | 405 417 950 | - |
| 8 | Маъмурий бино | Бектемир тумани, Олмос кўчаси, 2-уй | Тошкент шаҳар ветеринария бошқармаси | - | 274 | ВМҚ-590 4.08.2017й. | аукцион | 412 791 400 | - |
| 9 | Қурилиши тугалланмаган бассейн биноси | Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 28-уй | Сергели туман Халқ таълими бўлими | - | 1569 | ВМҚ-590 4.08.2017й. | аукцион | 3016614920,9 | - |
| 10 | “GELEON-LINK” МЧЖ ҚК | Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчаси, 47а-уй | Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги | 10 | 2243 | ВМҚ-295 19.05.2017й. | аукцион | 1 365 395,186 | 11 617 736 000,00 |
| 11 | “Musaffo niyat” МЧЖ | Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, С.Азимов кўчаси, 52а-уй | Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги | 10 | 4690 | ВМҚ-295 19.05.2017й. | аукцион | 4 142 114,192 | 13 982 412 000,00 |

**Электрон онлайн аукцион савдо натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.**
**Электрон онлайн аукцион савдоси объектнинг жойлаштириш кунига қараб ҳар 15 кун муддатда соат 9.00-18.00 оралиғида ўтказилади.**
**Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайти орқали олиш мумкин.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон: 71 259-21-20, 71 259-21-83.**
**Савдоларга марҳамат қилинг!**

## Реклама ва эълонлар

**“REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Аукцион савдосига 2019 йил 11-сонли шартномасига асосан 2019 йил 2 октябрда тўхтатилган мулкни такрорий аукцион савдосига қуйидаги мулклар Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчасида жойлашган 1000 кв. бино бошланғич баҳоси – 2.500.000.000 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 20 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 18 февраль куни соат 18:00 гача қабул қилинади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда заклат пул тўланади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Realtor Garant Business” МЧЖнинг АКБ “Универсал банк” Тошкент филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 9049 3605 0004. МФО: 00996. СТИР: 207 125 885. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 3-мавзеси, 4-уй. Телефон: (99) 009-54-35. Гувоҳнома № 0052

Тошкент шаҳри Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 30.05.2017 йилда № 521854 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “ASIL-AZIZBEK SERVICE” МЧЖ (СТИР 304916644) таъсисчиларнинг 18.10.2019 йилдаги № 5-сонли қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Олмазор тумани, Фаробий тор Муҳокама 5-берк кўчаси, 34-уй манзилида қабул қилинади.
Телефон: +99899 826-84-07.

Тошкент шаҳри Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 27.11.2018 йилда № 652726 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “O'ZBEGIM TAOMLARI” ХК (СТИР 305875079) таъсисчиларнинг 15.08.2019 йилдаги № 1 сонли қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Олмазор тумани, Пахта кўчаси, 7-уй манзилида қабул қилинади. Телефон: +99897 425-31-24.

Ҳозирда Темурбеклар мактаби (аввалги Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи республика лицейи) томонидан 2006 йилда Қурбонов Жавлонбек Қурбон ўғли номига берилган O'R SH № 053711 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Чилонзор тумани кадастр хизмати томонидан Чилонзор тумани, Гавҳар кўчаси, 1-проезд, 10-уй эгаси Расулева Саида Файзуллаевна номига берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Perry Shawn Robin номига муддати 20.05.2020 йилгача бўлган 2244 рўйхат рақамли аккредитация карточкаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат техника университети қошидаги 5-сон академик лицейи томонидан 2016 йилда Абдувоитов Мухаммадрустам Хурсандбек ўғли номига берилган L № 287842 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 10-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2013 йилда Абдувоитов Мухаммадрустам Хурсандбек ўғли номига берилган U № 6260643 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи томонидан 2017 йилда Пардабоев Нодиржон Собир ўғли номига берилган K № 4896882 рақамли, рўйхат рақами 1240 диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“DIKIY TUNETS” МЧЖ (СТИР 306888204)га тегишли бўлган думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги 284-сонли мактаби томонидан 1997 йилда Муллаева Мухаббат Рамазановна номига берилган O`R-E № 032483-сонли 9-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


Ўзбек Миллий Академик драма театри раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиевнинг ўғли

**Сардор САЪДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида 7 **февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 2-4 даража илиқ, кундузи – 15-17 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 **февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 246

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2босма табоқ, офсет усулида босилади. 1193 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 13.10

1 2 3 4 5